

Сўроқ олмошларини қўллаш кўникмасини ривожлантириш борасида методик тавсиялар

Д. Ибрагимова,

Қаиқадарё ВХТХҚТМОИ

Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси

2013-2014- ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида Республика халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган мониторинг таҳлилларига кўра инглиз тили фанидан 6-7-8- синф ўқувчилари сўроқ олмошларини қўллашда қийналганлар.


Маълумки, сўзлашув асосини диалогик нутқ ташкил этади. Сўроқ олмошлари эса диалогик нутқ учун зарурий элемент ҳисобланади. Сўроқ олмошларини қўллашда оқсаш эса боланинг диалогик нутқи мукамал шаклланишида етарли кўникма ҳосил қилишда йўл қўйилган камчиликлар, бу борада олинган билимни мустаҳкамлашга қаратилмаган етарлича эътибор натижасида пайдо бўлади.

6-7-8- синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқида сўроқ олмошларини қўллаш кўникмасини ривожлантириш учун тил ўргатувчи энг самарали методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, what, where, who сўроқ олмошлари ҳақидаги маълумот, уларнинг маънолари ва қўллаш ўринлари ҳақидаги фундаментал билим 5-синфда берилади. Фундаментал билим мустаҳкам бўлган тақдирда кейинги босқичларда ҳам ўқувчи бу борада тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмайди. Албатта, кейинги босқичларда бошқа сўроқ олмошлари, уларнинг маънолари ва қўллаш усуллари ўрганиб борилади.

Бу борада исталган натижага эришишнинг илк шартларидан бири ҳар бир сўроқ олмошини ўргатиш жараёнида кўпроқ савол-жавоб машқларини бажартириш, суратлар асосида саволлар туздириш ва саволларга жавоб бериш бўлиб, бундан ташқари, самарали натижага тил муҳити яратиш, турли-туман диалогик суҳбатлар, қизиқарли ўйинлар ташкил этиш орқали эришиш мумкин.

What? сўроқ олмоши нима? ким? қайси? каби маъноларни англатиб келади ва тил ўргатувчи олдида ўқувчига бу сўроқ олмоши қайси ҳолатда қай бир маънони англатаётганини тушуниб етиш ва уни ўз ўрнида қўллай билиш малакасини ривожлантириш вазифаси ётади.

Масалан: What  нима?
қандай (қайси)?
ким?



What is this?

This is a book.

What colour is this book?


It is red.

Қандай (қайси)? маъносида what? сўроғи от олдидан келиб предметнинг номи ёки номерига қўйилади.

Масалан: What city is this? It is London.

What text is it? It is Text 9.

Ким? маъносида эса what? шахснинг касбига нисбатан қўйилишини ўқувчига тушунтириш ва савол-жавоб машқлари ўтказиш яхши натижа беради.



What is she? She is a teacher.

What is she doing? She is teaching.



What is he? He is a dentist.

What is his job? His job is to cure bad teeth.

What kind of – қандай? қанақа? маъносини англатиб, аниқловчига қўйилувчи савол ҳисобланади.

Масалан: What kind of pupil is your sister? She is a good pupil.

What kind of films do you like? I like historical films.

Мунтазам равишда ўрганиб борилаётган сўроқ олмошларини иштирок эттирган ҳолда турли машқлар ўтказиш тавсия этилади, бу эса тил ўргатувчининг ижодкорлигига боғлиқ тарзда унинг томонидан ташкил этилиб боради. Бунда ўқувчиларни гуруҳ ёки жуфтликда ишлатиш ёки синфга умумий саволлар ташлаш ва топшириқлар бериш, ролли ўйинлар уюштириш, сўроқ олмошлари иштирокидаги шеърлар, қўшиқлардан фойдаланиш мақбул усуллардир.

What is your name? What is your name?

Now tell me, please, what is your name?

My name is My name is

My name is That's my name.

How old are you? How old are you?

Now tell me, please, how old are you?

I'm years old. I'm years old.

I'm years old. That's my age.

Where do you live? Where do you live?

Now tell me, please, where do you live?

I live in..... I live in

I live in That's where I live.

Where – қаерда? қаерга? маъносини англатувчи сўроқ олмоши иштирокидаги саволларнинг жавоби жой ва йўналиш предлоглари ҳақида яхши билимга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, бу сўроқ олмошини қўллашни ўрганиш баробарида жой ва йўналиш предлоглари маънолари ҳам ўқувчи онгига сингдириб борилади.



WHO IS HE? HE IS A MAN.


WHAT IS HE DOING? HE IS SITTING.

WHERE IS HE SITTING? HE IS SITTING IN THE ARMCHAIR.



WHERE IS THE BOY SITTING? HE IS SITTING IN

FFONT OF TV. WHAT IS HE DOING? HE IS WATCHING TV.



WHAT IS THE BOY DOING? HE IS COMING HOME.

WHERE IS HE COMING FROM? HE IS COMING FROM SCHOOL.


WHAT COLOUR IS HIS BAG? IT IS GREEN.

Бундай савол- жавоблар ўтказиш учун эса истаганча кўргазмали қуроллар, расмлар, тарқатма материаллар, муляжлар, тестлардан фойдаланиш мумкин.

Савол-жавоб ўйинлари ташкил этиш ўқувчининг сўроқ олмошларини қўллай олиш малакасини ва бу борадаги билимини ошириб боради. Қуйида шундай ўйинлардан бири билан танишишимиз мумкин.

Бунинг учун ўқувчилар 6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга шатранж тоши, саволлар доскаси, ва савол карточкалари керак бўлади. Саволлар карточкаларга ўқитувчи томонидан ёзиб тахланган ҳолда 6 сонидан ташқари 1дан 5гача бўлган сонлар қаршисида тескари ҳолда жойлаштириб чиқилади. Ҳар бир сон қаршисида 2 ёки учтадан савол карточкаси жойлаштириш мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари 1дан 6гача

бўлган сонларни танлаб оладилар, албатта ихтиёрий эмас, сонлар қоғозда ёзилган ҳолда акс турган ҳолда танлашга йўл қўйилади. 1 сонидаги ўқувчидан бошлаб ҳар бир ўқувчи шатранж тошини ташлай бошлайди ва шатранж тошида тушган сон эгаси бўлган ўқувчи ўзига мос сон тўғрисидаги бир саволни олиб жавоб беради. Агар 6 сони тушса 6-сонли ўқувчи тошни ташлаган ўқувчига ўзи истаган саволини беради ва навбат кейинги гуруҳга ўтиб кетади. Саволларга биринчи бўлиб жавоб бериб бўлган гуруҳ ғолиб саналади. Бу ўйинни саволлар даражасига қараб истаган синф ўқувчилари билан ўтказиш мумкин.



What kind of animal would you like to be? Why?	Where would you like to be right now? Why?	What gives you pleasure?
What would you give me as a birthday present? Why?	If somebody gave you \$50 what would you do with it?	What foreign country would you like to visit? Why?
Which human quality do you consider the most important?	What would you like to achieve within the coming year?	What would you like to change in your life?
What kind of weather do you like best?		

Саволлар ўтилган мавзулар, ўрганилган лексик ва грамматик материалларга, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши мумкин. Гуруҳларга бериладиган саволлар бир хил ёки фарқли бўлиши ҳам мумкин.